Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 157 (7647).

15 АВГУСТ 1981 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЮКСАК МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛАДИ

АНДИЖОН, 14 август. (ЎзТАГ). Андижон областининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилмоқдалар. Область партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида ана шу ҳақда гапирилди. Йиғилишда КПСС XXVI съезди қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида область партия ташкилотининг, область барча меҳнаткашларининг вазифалари муҳокама этилди. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов доклад қилди.

Докладчи ва йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар — Комсомолобод район партия комитетининг биринчи секретари И. Дадахонов, Баликчи район партия комитетининг биринчи секретари Д. Маликов, Хўжаобод районидаги «Коммуна» совхозининг директори Х. Жўраев, Пахтаобод районидаги Ёқубов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Умарова, Тожикистондан келган ўзаро текшириш бригадасига бошчилик қилаётган Қўрғонтепа область ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. Турдиев беш йиллик топшириқларини бажариш, мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш учун қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида гапириб бердилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ҲАММА НАРСА ШАЙ БЎЛСИН!

Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларидан келиб чиқадиган талабларга мувофиқ республикадаги колхозлар, совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг 1981 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қуйидагиларни таъкидлайдилар, республикадаги партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари, колхозлар, совхозлар ва корхоналар КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини амалга ошира бориб ва КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг доимий эътибори ҳамда жуда катта ёрдами туфайли бу йилги ноқулай иқлим шароитлари натижасида вужудга келган қийинчиликларни бартараф қилиш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида 5 миллион 900 минг тонна пахта, шу жумладан 375 минг тонна ингичка толали пахта етиштириш ва давлатга сотишни ҳамда камида 3 миллион 900 минг тонна ҳосилни машиналарда териб олишни таъминлаш соҳасида зўр ғайрат билан иш олиб бормоқдалар.

Аммо ўзаро текшириш якунлари ғўза парваришини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда янги ҳосилни териб олиш ва тайёрлашга ҳозирлик кўришда нуқсонларга йўл қўяётган районлар ва хўжаликлар борлигини кўрсатди.

Жиззах, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги бир қанча хўжаликларда сугоришнинг сифати паст, культивация механизмларининг иш органлари тўла бўлмаган ҳолда ва кечиктириб, паст сифатли ўтказилмоқда. Бунинг натижасида ёввойи ўтлар босган майдонлар бор. Органик ўғитлар етарли миқдорда солинмаяпти. Текшириб чиқиш ишлари етарли даражада уюштирилмаган, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари пайдо бўлган жойлар ўз вақтида аниқланмаётир ва дориланмаётир. Ҳашаротларнинг тарқалишига йўл қўйилмоқда. Аппаратлардан, захарли химикатлардан ва биологик кураш воситаларидан самарали фойдаланилмаётир.

Техникани тайёрлаш соҳасида ҳам жиддий камчилик ва нуқсонлар борлиги аниқланди. Пахта териш машиналари, трактор прицеплари, кўрак чувиш машиналари ва бошқа хил техниканинг анчагина қисми ҳали ишга тахт қилинмаган. Кегайли, Беруний, Гурлан, Қўшкўпир, Иштихон, Зарбдор, Охунбобоев ва Олот районларидаги хўжаликларда пахта териш машиналарининг 45-75 проценти теримга тайёрлаб қўйилган. Терим машиналари ва транспорт воситаларининг ҳаммаси ҳам ремонтдан чиқарилган деб бўлмайди. Бухоро, Наманган, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда механизатор кадрлар ремонт ишларига етарли даражада жалб этилмаган.

Ремонтнинг паст сифатли бўлиши каби ҳолларга йўл қўйилмоқда. Колхоз ва совхозларда ремонт қилинган ва текшириб чиқилган пахта териш машиналарининг 16 процентида, Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» ремонт корхоналарида эса ана шу машиналарнинг 17 процентида ремонтнинг техникавий шартлари жиддий равишда бузилган. Қашқадарё областидаги Жданов номли совхозда тахт қилиб қўйилган 29 пахта териш машинасида 30 га яқин нуқсон бор. Гурлан районидаги «Москва» колхозида эса ремонт қилинган машиналарнинг 50 процентида нуқсонлар бор.

Механизатор кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Бухоро областида пахта териш машиналарининг икки сменада ишлаши учун 500 механик-ҳайдовчи етишмаяпти.

Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмасининг заводлари зарур бўлган айрим эҳтиёт қисмларни ўз вақтида етказиб беришни таъминламаяпти. Бу ҳол терим машиналари ремонтини кечиктиради.

Тайёрлов пунктлари пахта ҳосилини қабул қилишга суст ҳозирлик кўрмоқдалар. Автомат тарозилар қуриш плани 71 процент, асфальт ётқизилган янги хирмонлар қуриш плани 72 процент, эталон стандартлар тайёрлаш плани 89 процент бажарилган. Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё областларида механизация воситаларини ремонт қилиш кечикмоқда.

«Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси пахта тозалаш заводлари, қуритиш-тозалаш цехлари ремонти учун керакли эҳтиёт қисмлар, узеллар, агрегатларни ва механизациялаш воситаларини ўз вақтида етказиб беришни таъминламаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтганидек, меҳнат коллективларининг куч-ғайратини ғўзанинг ривожидаги қолоқликни тугатишга, ғўза парваришни суръатларини оширишга, сўнгги ва ишлов беришни ўз вақтида ҳамда юқори сифатли қилиб ўтказишга, ёввойи ўтлар ва қишлоқ хўжалиги зараркунандалари билан курашни ташкил этишга сафарбар қилиш — область ва район партия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ва район ижроия комитетларининг, Ўзсовпроф, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати, Мелиорация ва сув хўжалиги, Тайёрлаш министрликларининг, «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети ва уларнинг жойлардаги органларининг, колхоз, совхоз ва корхоналар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Бундан мақсад яхши сифатли толаси бўлган мўл ва эртапишар пахта ҳосили тўпланишини таъминлашдан, пахта териш ва уни давлатга топшириш оллидан ҳамма тайёргарлик ишларини тугаллашдан ва ҳар бир колхоз, совхоз, корхонанинг, ҳар бир бўлим ва бригаданинг 1981 йилда олинган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришга эришишдан иборат.

Шу мақсадда:

ҳар бир бригада, колхоз ва совхозда ғўза ривожининг ҳолатини эътиборга олиб, ғўза парваришини кучайтириш юзасидан агротехника тадбирлари комплекси белгилансин ва амалга оширилсин, бунинг учун меҳнатга қобилиятли бутун аҳоли, техника ва механизмлар сафарбар қилинсин, уларнинг самарали ишлаши учун зарур маданий, маиший шароитлар вужудга келтирилсин;

техникани тайёрлаш ишларини терим бошланишидан камида икки ҳафта олдин тугаллашни ҳисобга олиб, пахта териш машиналари, прицеплар, погрузчиклар, кўрак чувиш, кўсак йиғиш машиналарини, подборщикларни, техника хизмати воситаларини ва ерда дефолиация ўтказадиган аппаратларни заправка қилиш суръатлари кучайтирилсин. Ҳар бир колхоз ва совхозда ремонт бригадалари ва звеноларни тузилсин, дала ишларидан бўшаган барча механизаторлар ремонт ишига жалб этилсин, уларнинг икки сменада ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш таъминлансин, техникани ўз вақтида ва сифатли қилиб тайёрлаш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин;

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти ремонт корхоналари пахта териш машиналари, агрегатлар, улар учун узеллар ҳамда двигателларни юқори сифатли ремонт қилиш, уларни хўжаликларга ўз вақтида топшириш юзасидан белгиланган планлар ва топшириқларни бажаришни таъминласинлар, барча ремонт устахоналари ва заводларининг икки сменада ишлашини уюштирсинлар;

қишлоқ хўжалиги техникасини ремонт қилиш ва сақлаш сифатини текширувчи доимий комиссияларнинг ишлари активлаштирилсин. Йиғим-терим машиналарининг юксак сифатли ремонт қилиниши ва тахт қилиб қўйилиши учун давлат қишлоқ хўжалик техникаси назорати ходимларининг, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг масъулияти оширилсин;

пахта териш машиналарини тажрибали механик-ҳайдовчилар билан таъминлаш, йиғим-терим-транспорт отрядларини ташкил этиш, уларни хизмат воситалари билан, узеллар, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар, ремонт материалларининг эҳтиёт фондлари билан таъминлаш ишлари яқин кунларда тугаллансин. Ҳамма жойда пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг малакаси оширилсин, уларга машиналардан юксак унумли фойдаланишнинг илғор усуллари ўргатилсин;

аэродромларни, юк ортиш механизмларини, омборларни тахт қилиб қўйиш, дефолиантларни ташиб келтириш, дефолиация учун кадрларни танлаш ва ўқитиш ишлари 20 августгача тамомлансин;

терим машиналари ва транспорт воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун ёнилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида ташиб келтириш таъминлансин, улардан тежаб ва оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилсин;

янги дала шийпонларини қуриш ва мавжуд шийпонларни ремонт қилиш, майдончалар, хирмонлар, йўллар, кўприкларни ва тарози ўрнатилган жойларни асфальтлаш ишлари йиғим-терим бошлангунча битказилсин;

қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришни таъминлайдиган миқдорда пахтани машина билан териб оладиган участкалар ўз вақтида ажратилсин, мақбул қисқа муддатларда ғўза биологик жиҳатдан етилишига қараб дефолиация қилинсин;

хўжаликларда ишлаб турган самолётларни дефолиантлар ортиш учун керакли мустаҳкам механиклаштирилган воситалар билан, ювиш ва ортиш механизмлари билан таъминлансин, самолётларнинг экипажлари учун яхши маданий-маиший шароит яратилсин ва медицина хизмати кучайтирилсин, бу экипажлар келган кунидан бошлаб хўжаликларга биркитиб қўйилсин;

ғўзаларни парвариш қилиш, дефолиацияни ўтказиш, пахта териш ва тайёрлашни ташкил этишнинг Тошкент технологияси ҳамма жойда жорий этилсин. Аппаратлар, терим техникаси, транспорт-ортиш воситаларидан юксак самарали фойдаланиш таъминлансин;

пахтанинг ингичка толали навларини теришда пахта териш машиналаридан фойдаланиш яхшилансин, теримни механизациялаш даражаси оширилсин;

пахта териш бригадаларининг бошлиқларини, механик-ҳайдовчиларни, теримчиларнинг теримни юқори сифатли қилиб ўтказганлиги ва пахта нобудгарчилигига йўл қўймаганлиги учун маънавий ва моддий рағбатлантириш чоралари кенг қўлланилсин;

теримчилар, пахта теримида банд бўлган механизаторлар учун зарур бинолар тайёрлансин, улар яхши иситилган, ёритилган бўлсин, ёқилғи ғамлаб қўйилсин, бу биноларда санитария-гигиена шароитларига риоя қилинсин. Умумий овқатланиш ва савдо-сотиқ ташкил қилинсин. Мактабгача тарбия муассасаларининг иши яхшилансин.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати ва Тайёрлаш министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети ва унинг жойлардаги органларига, ВАСҲНИЛнинг Ўрта Осиё бўлимига, СоюзНИХИга, Г. С. Зайцев номли ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтига, «Ўзсортсемхлопкопром» бирлашмасига қуйидагилар таклиф қилинди:

колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари ва бригадирлари, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари, теримчилар ва тайёрлаш пунктларининг ходимлари ўртасида уруғлик чигит етиштирганлик учун пахтанинг амалдаги харид нархларига тўланадиган қўшимча ҳақни 1982 йилдан бошлаб ошириш, ҳосилни нест-нобуд қилмай, қисқа муддатларда, юқори сифатли қилиб йиғиштириб олиш ва тайёрлаш, шунингдек уни териш, ташиш, асраш ва қайта ишлашда бузилишга йўл қўймаслик давлат аҳамиятига молик эканлиги тўғрисида ҳамма жойда ташкилий ва тушунтириш ишларини ўтказиш;

уруғлик фонд тайёрлаш учун энг яхши, юқори репродукцияли пахтазорлар ажратилсин, уруғлик пахта учун шу йил янгидан районлаштирилган ва толаси юқори сифатли бўлган ғўзанинг янги истиқболли навлари етиштириладиган майдонларнинг ҳосили борича кўпроқ ажратилиши таъминлансин. Ярусли машиналар билан териш учун ажратилган майдонлардан ташқари, уруғлик пахта етиштириладиган майдонларни дефолиация қилиш уруғлик пахта қўлда терилиб бўлгач ва ҳар бир район ҳамда уруғчилик хўжалиги уруғлик фондини тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқ бажарилганидан кейин ўтказилсин;

уруғлик пахтани ГОСТ талабларига биноан териш, қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш учун колхозлар, совхозлар, тайёрлаш ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг, бригада бошлиқлари ва теримчиларнинг шахсий масъулияти оширилсин;

уруғлик пахта терувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида уруғлик пахтани қўлда терган чогда техник пахтани териш учун қабул қилинган нормадан 20—25 процент паст иш нормасини белгилаш совхоз директорлари зиммасига юклансин ва колхоз правлениеларига тавсия этилсин;

Машинада яруслаб терилган уруғлик пахтани заводлар ҳузуридаги пахта тайёрлаш пунктларининг территорияларида жойлаштириш ва сақлашга афзаллик бериш таъминлансин, бунда пахтани комплектлаш ва бунтларга ғарамлашдан олдин у қуритиш-тозалаш цехларида дастлабки тарзда тайёрлашдан 30 кундан кечиктирмай биринчи навбатда тозалансин. Уруғлик пахтани техник хом ашёга ўтказишга йўл қўйилмасин.

Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг талабномасига мувофиқ зарур миқдорда самолёт ва вертолётларни ўз вақтида етказиб берсин. Экипажларнинг командирларидан дефолиация қилиш юзасидан белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилиш, ишларнинг юқори сифатли бўлишини ва самолётлардан унумли фойдаланишни таъминлаш, техника хавфсизлиги шартларини бажариш талаб қилинсин.

Республика қўриқ хўжаликларидан пахтани ўз вақтида ташиб олиш мақсадида Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги ва область ижроия комитетлари йиғим-терим мавсумида Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё областларига 850 та пахта ташувчи транспорт юборсинлар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», СССР Давлат стандартининг республика бошқармаси ва Тошкентдаги «Эталон» тажриба заводига йиғим-терим мавсуми бошлангунча колхозлар, совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларида ўлчов приборларини ремонт қилиш ва уларни тамгалашни тугатиш топширилди.

«Ўзбекбирлашув», Ўзбекистон ССР Савдо, Пахта тозалаш саноати министрликлари, Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си, Ўзбекистон ССР Госснаби, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига пахта йиғим-терими ва уни тайёрлаш даврида қишлоқ учун зарур бўлган тош-тарози, этак, қоп-қанор, флягалар, кўмир, печлар, титанлар, шунингдек, қийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқатлар ва бошқа товарларни етарли миқдорда ўз вақтида ташиб қўйиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Ейғил ва озиқ-овқат саноати, Ички ишлар ва Пахта тозалаш саноати министрликларига, республика матлубот кооперацияси ташкилотларига махсус кийим-кечаклар, кирза этиклар, қоп-қанор материаллари, чўян печкалар ва бошқа зарур ресурсларни ўз вақтида ва тўла етказиб беришни таъминлаш, бу товарларнинг биринчи ярим йиллик фондлари бўйича етказиб берилмаган қисмини тўлдириш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш, Қишлоқ хўжалиги ва Пахта тозалаш саноати министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига йиғим-терим бошлангунча узларига тегишли бўлган автомобиль йўлларини ва кўприклар, шунингдек, колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларига олиб борувчи йўлларни ремонтдан чиқариб қўйиш топширилди. «Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси қишлоқ хўжалигига йиғим-терим техникасини ремонт қилиш учун зарур эҳтиёт қисмларни етказиб беришни таъминласин, «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси пахта заводларига асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмларни тайёрлаб, етказиб беришни таъминласин.

Ўзбекистон ССР Госснаби «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси корхоналарини ажратилган фондларга мувофиқ зарур металл прокати билан етарли таъминласин.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига барча колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларида ёнғиндан сақланиш хавфсизлигининг аҳволини ва давлат ёнғин назорати органлари тавсия этган тадбирларнинг бажарилишини ўз вақтида текшириб чиқиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Маданият, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Соғлиқни сақлаш ва Алоқа министрликлари пахта териш ва тайёрлашда банд бўлган колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, ёрдамчилар ва бошқа ходимларга намунали хизмат кўрсатишни таъминлайдиган тадбирлар ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига қоп-қанор учун керакли газлама ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 85-техника билим юрти битирувчилари Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг кадрлар тайёрлаш плани ҳисобига Тошкент каноп фабрикасига мувофиқлаштирилган касблар бўйича юбориш топширилди.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га ва уларнинг жойлардаги органларига касаба союз ташкилотлари билан биргаликда йиғим-теримнинг биринчи кунларидан бошлаб колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг меҳнатга лаёқатли барча аҳолисини пахта теримига сафарбар этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳар бир терим машинаси механик-ҳайдовчиси, ҳар бир теримчи кунлик нормани бажариши ва ошириб адо этиши учун социалистик мусобақани авж олдириш топширилди. Механизаторлар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари пахта теримида банд бўлган кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш чоралари кенг қўлланилсин.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзининг республика, область ва район комитетлари колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторларга ўз вақтида тўғри ҳақ тўланишини, шунингдек, дефолиантлар ва механизмлар билан ишлаш чогида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини назорат этишни таъминласинлар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети техника, механизаторлар тайёрлаш, янги ҳосилни терishни аъло даражада ўтказиш ва пахта тайёрлаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришда комсомол ташкилотларининг активлигини таъминласин. Теримда юксак суръатларга эришиш ва давлатга топширилаётган пахтанинг сифати юқори бўлишини таъминлаш учун Қорақалпоғистон АССР, область-лар, районлар, колхозлар, совхозлар, илғор механизаторлар ва теримчиларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари таъсис этилсин:

Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун иккита Қизил байроқ;

районлар учун тўртта Қизил байроқ, улардан бири давлатга ингичка толали пахта етказиб берувчи районлар, бири эса қўриқ районларни рағбатлантириш учун;

совхозлар учун учта Қизил байроқ, шу жумладан қўриқ совхозларни рағбатлантириш учун битта Қизил байроқ ва ингичка толали пахта топширувчи совхозлар учун битта Қизил байроқ;

колхозлар учун иккита Қизил байроқ, улардан бири ингичка толали пахта топширувчи колхозлар учун.

Кўчма Қизил байроқлар ўн кунда бир марта, сентябрнинг биринчи декадаси якунларидан бошлаб бериб борилсин. Қизил байроқларни бериш вақтида умумий пахта тайёрлаш ва пахтани машинада териш планларининг бажарилиши ҳисобга олинсин.

Ингичка толали пахта етиштириш планлаштирилган областлар бўйича якун чиқариш чогида ингичка толали пахтани ўртача толали пахта сортларига тенглаштириш мақсадида бунинг учун қўшимча коэффициент жорий этилсин: 6 коэффициент Қашқадарё ва Сурхондарё областлари учун 1,3, Бухоро ва Наманган областлари учун 1,5 қилиб белгилансин.

Қизил байроқлар топшириш билан бир пайтда пахта теришда ҳосил сифати ва унумдорлиги бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган механик ҳайдовчиларга сотиш учун Қорақалпоғистон АССР ва областларга тўрттадан енгил автомашина ва пул мукофоти учун 2 минг сўмдан пул; районларга — энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 500 сўмдан пул; совхозларга — энг яхши механик-ҳайдовчига сотиш учун биттадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 300 сўмдан пул; колхозларга — энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 200 сўмдан пул ажратилсин.

Ингичка толали пахта теримида ва уни давлатга топширишда юксак суръатларга эришгани учун Қизил байроқлар билан тақдирланган районлар, колхозлар ва совхозларга мукофотларнинг миқдори қуйидагича белгилансин: районларга — терим машиналарининг энг яхши механик-ҳайдовчиларига сотиш учун ўттадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 700 сўмдан пул; совхозларга — механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 500 сўмдан пул, колхозларга — энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 300 сўмдан пул. Бу енгил автомашиналар терим машиналарининг энг яхши механик-ҳайдовчиларига матлубот жамияти йўли билан савдо фондидан сотилсин.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари саноат корхоналари ва қурилишларнинг партия ташкилотларига асфальт ётқизилган майдончалар қуритиш-тозалаш цехлари, хўжаликларнинг ички йўллари ва кўприклари қуриш ва ремонт қилишда, терим техникаси ремонти ва уларга техника хизмати кўрсатишда колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларига оталиқ ёрдамини ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети, Ўзбекистон ССР Ички ишлар, Пахта тозалаш саноати, Қишлоқ хўжалиги ва Тайёрлов министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»га колхозлар, совхозлар, тайёрлов пунктлари, корхоналар ва бошқа ташкилотларда ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарликнинг бориши, моддий-техника ресурсларини сақлаш ва тежамли сарфлаш устидан назоратни кучайтириш, бунда терим, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш чогида пахта нобуд бўлиши ва бузилишига йўл қўймасликка алоҳида эътиборни қаратиш таклиф қилинди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттиришларга пахта теримига тайёргарлик ва пахта топширишнинг боришини, янги ҳосилни териш ва топширишнинг боришини мунтазам ёритиш топширилсин. Республика газеталари саҳифаларида «Ҳурмат тахтаси» таъсис этилсин. Унда пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган областлар ва районлар ёзиб борилсин.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишонч билдирадиларки, партия, совет, қишлоқ хўжалик, тайёрлов органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, колхозлар, совхозлар, қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналари, республиканинг барча меҳнаткашлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ҳамма жойда мўл ва эртапишар ҳосил етиштиришни таъминлайдилар, йиғим-терим кампаниясини уюшқоқлик билан қисқа муддатларда гоят сифатли ўтказадилар, 1981 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришадилар ва бу билан ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқлари, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезд тарихий қарорларини бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Л. И. Брежнев билан Н. А. Тихонов ўртоқлар Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Ким Ир Сенга ва Корея Халқ Демократик Республикаси Маъмурий Кенгашининг Бош министри ўртоқ Ли Ден Окка телеграмма йўлладилар.

«Корея озод қилинганлигининг 36 йиллиги муносабати билан Сизларга, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетини, КХДР Марказий Халқ Комитетини, КХДР Маъмурий Кенгашини, бутун корейс халқини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва совет халқи номидан самимий табриклаймиз.

Совет Қуролли Кучлари 1945 йил августида Японияниинг Квантун армиясини тор-мор этганлиги Кореяни империалистик Япониянинг мустамлакачилик ҳукмронлигидан халос қилди ва корейс халқининг озодлик ва миллий мустақиллик йўлидаги муддаосини амалда рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирди. Мамлакат шимолий қисмидаги меҳнаткашлар олдида янги уфқлар очилди. Халқ Кореяси Совет Иттифоқи билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан қалин ҳамкорликда социалистик қурилиш йўлида дадил қадам қўйди.

Эндиликда Корея Халқ Демократик Республикаси — саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатдир.

15 август — Корея озодлиги куни мамлакатларимиз халқлари қотирасида Совет-Корея муносабатлари тарихидаги алоҳида сана сифатида абадий сақланиб қолади. Корея озод қилинганидан кейин ўтган йиллар шуни яққол кўрсатдики, СССР билан КХДР ўртасида марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатлари совет ва корейс халқларининг туб манфаатларига, Узоқ Шарқда ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Мана шу шонли кунда Сизларга, Корея Халқ Демократик Республикасининг барча меҳнаткашларига социализм қурилишида, Корея Меҳнат партиясининг VI съезди ўртага қўйган вазифаларни бажаришда, мамлакатнинг демократик асосда тинч бирлаштирилишига эришиш учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз».

Ю К С А К МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛАДИ

(Боши 1-бетда).

Саноат ходимлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан етти ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Халқ хўжалиги пландан ташқари йигирма миллион сўмлик мол олди. 56 минг квадрат метр уй-жойлар, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхоналар, кўпгина бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Андижон тўқимачилик комбинатининг қуввати ошиб бормоқда. Кўргонтепа ва Марҳаматда комбинатнинг иккита филиали ишга туширилганлиги муҳим воқеа бўлди. Бу филиалларнинг ҳар бири йилига 20 миллион метр ип газлама тўқиб чиқарадиган бўлади. Шу нарса қувончлики, қурувчилар ва тўқимачиларнинг меҳнатда эришган ана шу янги ғалабаси КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1981—1985 йилларда энг зарур моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолининг шу молларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга доир тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «1981—1985 йилларда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва хилини яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарорлари эълон қилинган бир вақтга тўғри келди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари барча қийинчиликларга қарамай, белгиланган марраларга зўр ғайрат билан эришмоқдалар. Пилла, мева ва дон тайёрлаш йиллик плани бажарилди. Ҳозир маккажўхорини ўриб-йиғиб олиш тез суръатлар билан давом этмоқда. Пахта далаларида мўл ҳосил тўплаш соҳасида зўр ғайрат билан иш олиб борилмоқда. Қўриқ Комсомолобод районининг пахтакорлари қимматли ташаббус билан чиқдилар. Улар беш йилликни тўрт йилда бажаришга қарор қилдилар. Чорвачиликда сезиларли силжишлар юз бермоқда.

Йиғилиш қатнашчилари халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ишларни таҳлил қилиб, эришилган муваффақиятлар хотиржамлик учун асло асос бўлмаслиги лозимлигини таъкидладилар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун кўпгина резервлар ва имкониятлар ҳали ишга солингани йўқ. Масалан, еттита саноат корхонаси ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан 7 ойлик топшириқни уддалай олмади, 10 та қурилиш ташкилоти йилнинг биринчи ярми планининг бажарилишини таъминламади. Ишга туширилади деган объектларда анчагина қолоқликка йўл қўйилди.

Йиғилишда деҳқонларнинг биринчи навбатдаги вазифаларига катта эътибор берилди. Нотиқларнинг гаплари Андижон области иқлим шароитларининг ноқулай келганлигига қарамай беш йилликнинг биринчи йилида Ватанга 625 минг тонна «оқ олтин» бериши мумкин ва лозим деган фикр билан йўғрилган эди. Бунинг учун ғўзаларни интенсив парвариш қилишни давом эттириш, пахта йиғим-теримига ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни қисқа муддатларда, нобудгарчиликсиз ўтказиш керак.

Айрим хўжаликларда йўл қўйилган камчиликлар йиғилишда кескин танқид қилинди. Баъзи жойларда суғоришга зўр бериб далаларга ортиқча сув берилмоқда, ғўза парвариши асоссиз сусайтириб юборилмоқда. Ҳосил учун курашнинг якунловчи босқичида агротехника талабларига ва илғорлар тажрибасига қатъий риоя қилиш ғоят муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашга жиддий эътибор бериш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларини кенг қўлланиш зарур. Ем-хашак тайёрлаш суръатларини ошириш талаб қилинади, бу ишни бир ярмикки йиллик озуқа запасларини гамлаб қўйишни мўлжаллаб олиб бориш зарур. Тожикистондан келган ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари андижонликлар эътиборини худди ана шу масалаларга қаратдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Қабул қилинган қарорда йиғилиш Андижон областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари социалистик мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар, деб қатъий ишонч билдирди.

БРИГАДАЛАРНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИ

ЧИНОЗ районидаги Охунбобоев номли колхоздан Абдураҳмон Бекмуродов бригадасининг ёрдамчи хўжалиги етти гектарли майдонни эгаллаган. Бу ерда Озарбайжон ўзаро текшириш делегациясининг аъзолари бўлдилар. Шундай хўжаликни ташкил этиш тажрибаси меҳмонларни қизиқтириб қолди.

Бригада пахтакорлари янги сабзавот, гўшт, сут маҳсулотлари билан етарлича таъминлаб қўйилган. Бригада полизида пиёз, помидор, сабзи, петрушка ўсиб ётибди, бу маҳсулотлар ҳар куни деҳқонларнинг дастурхонига етказиб берилмоқда. Ёрдамчи хўжаликда кунига 16 литр сут бераётган икки бош сигир бор. Дала шийпони ҳузуридаги мавсумий болалар боғчаси учун шунча миқдордаги сут кифоя қилади. Ёрдамчи хўжаликда ғунажин парвариш қилинмоқда. Бу ерда паррандалар учун алоҳида бино қурилган.

Ҳасанбой Умаров, Усмат Файзуллаев, Абдураҳмон Ҳусанов бригадалардаги ёрдамчи хўжаликлар ҳам жуда соз. Озарбайжонлик мусобақадош дўстлар ана шу бригадаларда ҳам бўлдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

МАҲОРАТ СИНОВИ

КОММУНИСТИК районидаги «Ўзбекистон» колхозида техник-осеменаторларнинг биринчи республика конкурси бўлиб ўтди. Чорва туёғини кўпайтиришда, уларнинг наслини яхшилашда ва маҳсулдорлигини оширишда бу касб эгаларининг роли катта. Улар бу маҳорат синовида ўз билим ва малакаларини тўла намойиш этдилар.

Айниқса, Андижон областидаги «Савай» совхозининг техник-осеменатори Илимдор Вейсалов юксак маҳорат кўрсатди. У конкурсда биринчи ўринни эгаллади. Областимиз вакили, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг техник-осеменатори Галина Каменева ҳам касбини пухта эгаллаганлигини намойиш қилди. У фахрли иккинчи ўринни олди. Конкурс голиблари Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг Фахрий ёрлиқлари, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ю. ЮДИН.

ЭРТАГА—СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ



ОСМОНИМИЗ СОҚЧИЛАРИ

АВВАЛГИ авлод анъаналарини давом эттираётган бугунги авиаторларимиз СССР ҳаво сарҳадларини қўриқлашда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Само жангининг техникаси, тактикаси ва услублари кун сайин такомиллаштириб борилмоқда.

— Совет Иттифоқи иқтисодий қудратининг йилдан-йилга юксалиши, олимларимизнинг янги кашфиётлари, авиация саноатида меҳнат қилаётган ишчи ва инженерларимизнинг ижодкорлиги туфайли, — дейди СССР Ҳарбий ҳаво кучлари бош қўмондонининг ўринбосари, авиация генерал-полковниги В. Решетников,—мамлакатимиз ҳарбий ҳаво кучлари тобора тараққий этиб бормоқда. Ўзларининг аэродинамик ҳусусиятлари жиҳатидан мутлақо янги самолётлар, вертолётлар, ғоят самарали авиация двигателлари пайдо бўлди. Самолётсозлигимизда ҳам катта ўзгаришлар юз берди.

Эндиликда ҳаво лайнерлари ўта мустаҳкам ва жуда енгил материаллардан ясалмоқда. Қанотли «кема»ларимизнинг мураккаб радиоэлектрон асбоб-ускуналари, электрон-ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланганлиги уларнинг тактик ва техник кўрсаткичларини замонавий даражага кўтарди.

Худди шундай. Ҳозир СССР Ҳарбий ҳаво кучлари ихтиёрида товуш тезлигидан тез учадиган, ҳар қандай об-ҳаво шароитларига мосланган қирувчи самолётлар, қирувчи-бомбардимончи, бомбардимончи ва разведкачи машиналар бор. Улар қуруқликдаги ва сувдаги қўшинларимизни ишончли равишда муҳофаза қилиб, душман қузғунларини қилишга қодирдирлар. Қисқа қилиб айтганда, ҳозирги замон уруши ҳарбий авиация олдига қўйган барча қийин топшириқларини улар осонликча ҳал қила оладилар.

Шу кунларда ҳарбий ҳаво кучларининг барча коллективлари КПСС XXVI съезди қарорларида СССР Мудофаа кучлари олдига қўйилган юксак вазифаларни амалга ошириш учун ўзларининг ғоявий ва сиёсий билимларини такомиллаштириш билан биргаликда, ҳарбий техникани янада яхшироқ ўрганмоқдалар. Варшава Шартномаси иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг ҳарбий кучлари билан ҳамкорлик ва алоқани намунали йўлга қўймоқдалар. Совет авиаторлари НАТО ҳарбий блокига аъзо бўлган империалистик давлатларнинг ва энг аввало, АҚШ урушқоқ доираларининг кирдикорларига қақшатғич зарба бериш учун ҳамиша шай турибдилар.

Бунёдкор тинч меҳнат билан банд бўлган мардонавор совет халқи ҳар доим осойишталик бўлишини истайди. Шу боисдан ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезди минбаридан туриб қилган Ҳисобот докладида шундай деди: «Хозир партиямиз, халқимиз учун, қолаверса, планетадаги барча халқаро майдонда тинчликни сақлаб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ».

Чиндан ҳам уруш хавфини камайтириш, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун кураш партия ва ҳукуматимизнинг ташқи сиёсатидаги асосий йўл бўлиб келди ва буидан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Барча қуролли кучларимиз жангчиларя каби авиаторларимиз ҳам бу ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Суратда: ҳарбий ҳаво флотимизнинг донгдор учувчилари (чапдан ўнгга) В. Висоцкий, А. Константинов, В. Жадэ, С. Егоров, П. Свиродиров лар машқ натижаларини таҳлил қилмоқдалар.

Н. Акимов ва В. Кузьмин фотоси.

ТАСС фотохроникаси.



Чирчиқ трансформатор заводининг электромонтажчиси Наримон Мажидов йиллик шахсий топшириқларини 7 ноябргача бажариш мажбуриятини олган. Айни пайтда илғор ишчи барча резервларни ишга солиб ноябрь ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, совхозлар, колхозлар ўртасида 1981 йилда гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган тадбирларни муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 7 ойлик якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Пискент районига (район партия комитетининг биринчи секретари **У. Я. Баҳодиров**, район ижроия комитети раиси **М. Халилов**, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиги **А. Аҳмедов**, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари район комитетининг раиси **Х. Нуров**, район комсомол комитетининг секретари **Х. Акромов** ўртоқлар). Бу район давлатга гўшт сотиш йиллик планини 114 процент, сут планини 79 процент, тухум планини 265 процент бажарилишини таъминлади, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, моллар ва паррандалар бош сонини ва маҳсулдорлигини оширишда энг юқори кўрсаткичга эришди.

Байроқ Бўка районидан олиб берилади.

Калинин районидаги **«Хасково»** совхозига (директори **Т. Бекматов**, партия комитети секретари **А. Холбоев**, ишчилар комитети раиси **Р. Босиқов**, комсомол комитетининг секретари **А. Ғиёсов** ўртоқлар). Бу совхоз давлатга гўшт сотиш йиллик планини 214,8 процент, сут планини 134,4 процент бажаришга эришди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, моллар ва паррандалар бош сони ва маҳсулдорлигини оширишда энг юқори кўрсаткичга эришди.

Байроқ Чиноз районидаги Жамбул номли совхоздан олиб берилади.

Бўка районидаги **Ильич** номли колхозга (раиси **И. Тошпўлатов**, партия ташкилоти секретари **К. Азимбеков**, касаба союз комитети раиси **У. Ниёзқулов**, комсомол комитети секретари **К. Нишонов** ўртоқлар). Бу колхоз давлатга йиллик гўшт сотиш планини 220,7 процент, сут планини 149,3 процент, тухум планини 171,2 процент бажарди. Чорва ва паррандалар бош сони, маҳсулдорлигининг кўпайишига эришди.

Байроқ Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Пискент районига, Калинин районидаги «Хасково» совхозига, Бўка районидаги Ильич номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

КАТТА МАҚСАД САРИ

МУСОБАҚАДОШ ОЗАРБАЙЖОН ПАХТАКОРЛАРИ ЎРТА ЧИРЧИҚ ВА КОММУНИСТИК РАЙОНЛАРИДА

Қардош озарбайжонлик мусобақадошлар областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ишлари билан танишишни давом эттирмоқдалар. Бу гал улар Ўрта Чирчиқ районидаги колхоз ва совхозлари далаларини кўздан кечирдилар.

Меҳмонлар «Партия XXII съезди» колхозининг Содиқ Йўлдошев бошлиқ бригадаси деҳқонлари 120 гектарлик майдонда мўл ҳосилга пухта замин яратганликларини кўриб хурсанд бўлдилар. Деҳқончилик маданияти юксак агротехника талаблари асосида ўз вақтида ва сифатли амалга оширилаяпти.

— Мажбуриятингиз қандай?

— 50 центнерни кўзлаяпмиз, — деб жавоб берди бригадир Йўлдошев.

— Мўлжалдаги ҳосилни, албатта, оласизлар;—деди Озарбайжон пахтачилик илмий-текшириш институти селекция бўлимининг бошлиги А. М. Гусейнов,— бунинг учун август ойининг колган кунларида ғўза парваришини асло бўшаштирмаслик зарур. Дефолиацияга пухта тайёргарлик кўринглар.

Меҳмонлар Энгельс номли колхозда бўлганларида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Кан О Нам бошлиқ бригада тажрибаси билан қизиқдилар. Бу бригада 140 гектар майдонда пахта етиштирмоқда.

— Биз аввало ерни экишга тайёрлашга алоҳида эътибор берамиз,— деди бригадир,— Ҳар бир картанинг тупроқ шароитини ҳисобга олиб, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланамиз. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда биологик усулни қўлламоқдамиз. Утган йили 50 центнердан ошириб ҳирмон кўтарганмиз. Бу йил 55 центнерни кўзлаяпмиз.

Меҳмонлар пайкал оралаб, ғўзанинг ҳосил олишини кўздан кечирдилар. Ҳар тупда 10—11 тадан бўлиқ кўсак бор. Кун сайин ҳосилга ҳосил қўшилмоқда. Меҳмонлар дардор пахтакорнинг ишларига муваффақият тиладилар.

Шундан сўнг улар Ким Пен Хва номли колхознинг Котиб Сайфалов бригадаси далаларини айландилар. Бу бригада ҳам 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилган. Ҳозирги кундаги ишлар ана шу юксак мажбуриятга яраша ташкил этилган.

Свердлов номли колхозда ҳам мўл ҳосил усталари сафи кенгайиб бормоқда. Озарбайжонликлар бу хўжалик далаларида бўлганларида агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилаб, ғўза машина теримига мослаб ўстирилаётганлигини кўриб мамнун бўлдилар.

Район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев меҳмонларга колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усули кенг кўламда жорий этилганлиги ҳақида сўзлаб берди. Ленин номли, «Ленин йўли», Энгельс номли колхозлар ва Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти тажриба хўжалигида ташкил этилган биолабораториялар иши ғоят самарали бўлаётир.

Сўнгра меҳмонлар Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозига ўтдилар.

Колхоз раиси Терентий Васильевич Эмм уларга кейинги йилларда деҳончилик, айниқса, пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида қодир-қодир гапириб берди. Бу йил хўжалик механизаторлари машъал «Политотдел» колхози билан мусобақалашиб механизациялаштирилган ҳисобига Буюк Британия ҳукумати ўтказаётган «қаттиқ тежаш» сиёсати мамлакатдаги иқтисодий аҳволни янада ёмонлашувига олиб келмоқда. Молия министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладида ана шундай ҳулоса чиқарилади.

Меҳмонлар колхоз марказини айланган, пахтазор томон йўл олдилар. Улар колхозчи Ким Николай, Геннадий Ким, Ким Ен Чер, Сотибалди Раҳимов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг ишига юксак баҳо бердилар. Бу ўртоқлар бошлиқ коллективлар ҳар гектаридан 45—50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Озарбайжонликлар Свердлов номли колхозда бўлганларида хўжаликнинг кимёвий лабораторияси ҳамда трактор парки устахонасидаги ишлар билан танишдилар.

«Правда» колхозида пахтадан мўл ва эртаги ҳосил олиш соҳасида кўрилаётган тадбирлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Мусобақадошлар «Ўзбекистон» ва «Политотдел» колхозларида ҳам кўпгина яхши тажрибаларни ўрганганликларини айтдилар, ютуқларни қайд қилиш билан бирга қимматли маслаҳатлар бердилар.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Т. ЖИВКОВ БИЛАН Ж. МАРШЕ УЧРАШДИЛАР

СОФИЯ, 13 август. (ТАСС). БКП Марказий Комитети Бош секретари, БХР Давлат кенгаши Раиси Т. Живков бугун Варнада ФКП Бош секретари Ж. Марше билан учрашди.

БТА агентлигининг хабар беришича, учрашув иштирокчилари суҳбат давомида халқаро аҳволнинг, айниқса НАТО Америкасининг янги ядро ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ва қурол-яроғларнинг вақтинча тури—нейтрон бомбани ишлаб чиқариш ҳақида президентнинг қарорини кейин халқаро аҳвол хатарли равишда ёмонлашганлигини уқтириб ўтдилар. Европа қитъасида «чекланган ядро уруши» деган доктринани қўлланиш учун уни плацдармга айлантиришга қаратилган бу ҳатарли сиёсат қуроллаиниш пойгасининг янги давраси бошланганлигини билдиради.

Т. Живков билан Ж. Марше Европада ва бутун дунёда халқлар манфаатларига зид бўлган бу сиёсатни жиловлашга қодир кучлар бор-лигини уқтириб ўтдилар. Улар Европада ўртача олисликка учадиган ядро воситаларини чеклаш тўғрисида дарҳол ва бирон бир шарт қўймасдан музокаралар олиб боришни, қитъада, шу жумладан Болқонда ядросиз зона тузишни, можароларни музокаралар йўли билан бартараф этиш, кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ва давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни вужудга келтиришни ёқлаб гапирдилар.

ФРАНЦУЗ ЖУРНАЛИСТИГА МУКОФОТ

ПАРИЖ, 13 август. (ТАСС). СССРнинг Франциядаги элчихонасида таниқли француз журналисти «Юманите» газетасининг ходими Пьер Дюранга В. В. Воровский номидаги мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу мукофот унга халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни пропаганда қилувчи мақолалар туркуми учун 1980 йили берилган эди.

П. Дюран ўзининг жанговар қаламини халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун кураш ишига бағишлади. Француз қаршилик ҳаракати иштирокчиси сифатида у фашизмга қарши курашда ўз ҳиссасини қўшди, тинч даврда эса тараққийпарвар жамоат арбоби илғор позицияларда туриб, фашизмнинг уйғонишига қарши, реакцияга қарши, демократия ва социализм учун чурашни давом эттирмоқда. П. Дюран интернационализм ғояларини ривожлантиришга, француз жамоатчилигини Совет Иттифоқи билан таништиришга ва икки мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига ўз асарлари билан кўмаклашмоқда.

П. Дюран мукофотни олаётиб, унга В. В. Воровский номидаги мукофот билан тақдирланганлиги учун миннатдорчилик изҳор этди. У бу мукофотни барча коммунист журналистлар фаолиятига, ФКП — марказий органи — «Юманите» газетаси ходимлари фаолиятига берилган юқори баҳо деб билишини айтди. Биз бугун ўз меҳнатимиз билан тинчлик учун, тинч-тотув яшаш, инсонни эксплуатация қилишга барҳам бериш учун, социализм учун курашда коммунистик идеалларга ҳудди ўтмишдагидек келажакда ҳам содиқ бўлиб хизмат қиламиз, деб таъкидлади у.

ТЕКИН ИССИҚЛИК

БУДАПЕШТ, 13 август. (ТАСС). Цегледа шаҳрилари «Венгрия-Совет дўстлиги» қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативида теплицаларни иситиш учун ҳаражатлар ер ости иссиқ сувларидан фойдаланиш натижасида қарийб 40 процент камайган. Ҳозирги вақтда Цегледадаги замонавий теплицаларда, гулзорларда ана шундай иситиш усули билан ҳар йили қарийб 5 миллион дона чиннигул, атиргул, лола етиштирилмоқда. Булар асосан Совет Иттифоқига етказиб берилмоқда. Ҳозирги вақтда республиканинг кўплаб хўжаликларида ер ости иссиқ сувларидан фойдаланилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ер ости иссиқлик манбалари ҳар йили 60 минг тонна нефтни иқтисод қилишга имкон беради.

ГАЗЛАМАНИ АВТОМАТ БИЧАДИ

Фабрика коллективи Болгарияда кўплаб ажойиб ташаббусларнинг ижодкори сифатида машҳурдир. Масалан фабрика коллективи тармоқда биринчи бўлиб меҳнатни бригада асосида ташкил этишга ўтди. Натижада меҳнат унумдорлиги 40 процент ошди. Фабрикада ҳар йили ёшлар учун 250 турда замонавий моделдаги кийим-кечаклар тикиб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг ярми Совет Иттифоқига экспорт қилинмоқда.

ВАШИНГТОННИНГ МУНОФИҚЛИГИ

Давлат департаментининг расмий вакили Ливандаги ўнг христиан қуролли кучлари қўмондони Б. Жмайелнинг ҳозирги вақтда Америка пойтахтида эканлиги тўғрисида матбуотда босилиб чиққан хабарларни тасдиқлади. Маълумки, бу қисмлар Исроил агрессорлари билан ҳамкорлик қилиб, Ливандаги вазиятни кескинлаштиришда ва мураккаблаштиришда.

Давлат департаментининг вакили Б. Жмайелнинг, Р. Рейган маъмуриятидаги бир қанча олий мартабали арбоблар билан учрашганлигини, жумладан АҚШ давлат секретарининг биринчи ўринбосари У. Кларк томонидан қабул қилинганлигини айтди.

Вашингтоннинг Б. Жмайелга нисбатан «меҳмондўстлиги» «Ливаннинг бутунлигига садоқати»ни баланд овоз билан эълон қилган Оқ уйнинг мунофиқлигидан далолат бермоқда.

(ТАСС).

СМЕНАДАН КЕЙИН САНАТОРИЙГА

Тошкентдаги «Миконд» заводи медицина-санитария қисми томонидан бериладиган касаллик варақалари сони ўтган йилдагига нисбатан икки баравар қисқарди. Бу муваффақиятга эришишда медиклар билан бирга корхона меҳнаткашларининг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш комплекс программасининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш ишини ўз зиммасига олган касаба союз активларининг ҳам хизмати катта.

Касаба союз ташкилоти медицина-санитария қисми ходимлари билан бирга касалликларнинг олдини олиш тадбирларини амалга оширди. Шу мақсадда навбатдан ташқари медицина кўриги ўтказилди, соғлиғини мустаҳкамлаш керак бўлган ишчилар рўйхати тузилди. Завод касаба союз комитети уларга завод санаторий-профилакторийсига бепул йўлланма ажратиб берди. Профилакторий кўплаб кишиларни қабул қилиши учун узлуксиз ишлаш графигига ўтказилди. Бу ерда меҳнаткашларнинг кўпи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда зарур бўлган физиотерапия даволаш курсини оладилар, уларга беш марта ғоят тўлиқмли овқат берилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ЛОНДОН. Экономиканинг давлат тармоқлари эҳтиёжларига маблағларни кискартириш ҳисобига Буюк Британия ҳукумати ўтказаётган «қаттиқ тежаш» сиёсати оқибатида ишсизлар сонининг 3 миллионга етиши муносабати билан Лондонда намойиш бўлиб ўтди. Намойишчилар ишсизлик ва инфляцияга қарши, ижтимоий ҳимоя кучайтирилишини талаб қилдилар.

✦ ТЕҲРОН. Эрон ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий хизматчиларидан 6 киши мамлакат собиқ президенти Банисадрнинг Эрондан Францияга қочиб кетиши муносабати билан қамоққа олинди. Эрон ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони вазифасини ижро этиб турган полковник Моинпур Теҳрон радиоси орқали шуни маълум қилди. Ў ҳарбий ҳаво кучларида Эрон қуролли кучларининг ана шу турини мустаҳкамлаш мақсадида қайта ташкил қилиш амалга оширилди, деб таъкидлади. Радио Эрон пойтахтида ҳарбий ҳаво кучлари янги қўмондонлик составининг Эрон Ислом Республикаси раҳбари Оятилло Хумайни билан учрашганлигини хабар қилади. Оятилло Хумайни бу учрашувда ҳукуматга қарши уюшган мамлакатда авж олдирган зўравонлик ва террор «армия, халқ ва «ислом революцияси посбонларининг» бирлиги» туфайли «жиддий проблемани келтириб чиқараолмаслигини» таъкидлади.

✦ НЬЮ-ЙОРК. Қуролларнинг янги турларини яратиш ва қувайтириш юзасидан Рейган маъмурияти авж олдираётган турли программалар орасида лазер қуролига алоҳида ўрин ажратилмоқда. «Лейзер фокус» журналининг далолат беришича, бу йил ана шу мақсадлар учун жами 659 миллион доллар сарфланади. Бу эса ўтган йилнинг шу даврилагига нисбатан 21 процент кўпдир. 1977 йилдан бошлаб, деб ёзади журнал, лазер қуролини яратиш ва жорий этиш устидаги иш суръати ошиб бормоқда.

Юқори энергияли лазерларга Пентагон алоҳида аҳамият бермоқда. Бу лазерлардан фақат ердагина эмас, балки космосда ҳам фойдаланиш мумкин.

(ТАСС, 13 август).

НОННИ УЛУҒЛАНГ!

ҲАР НАРСАДАН АЗИЗ

НОН ҳақида жуда кўп ҳикматлар, ривоятлар, қиссалар мавжуд. Уларни ўқимаган ёки эшитмаган одам йўқ ҳисоби. Шарқда айниқса нон ардоқли. Халқимизнинг азалдан яхши бир удуми бор. Кўча-кўйда, оёқ остида тушиб ётган бир бурда нон ёки унинг увоғини дарҳол кўзга суртиларди. Ҳозиргача шундай эди. Лекин айни кунларда нонга нисбатан мана шу ҳурмат-эътиборимиз, эъзозимиз бирмунча сусайгандек кўринаяпти, исрофгарчиликлар кўпайиб боряпти. Шу жиҳатдан матбуотда, радио ва телевиденияда нон исрофгарчилиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритилиб, жамоатчилик муҳокамасига ташлаб жуда тўғри қилинаяпти.

Очарчилик йилларида, урушнинг оғир кунларида бир бурда нон бутун бир инсон ҳаётининг таянчи бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Кайсидир шоирнинг ўша йилларни эслаб ёзган, қуйидаги сатрларини ёдлаб олганман.

Азобланган, сўлган, паришон
Юзларида жафонинг изи,
Келтирай деб у бир бурда нон,
Мангулукка юмганди кўзин.

Ҳақиқатан ҳам бир бурда нон деб хўрликларда жон берган, не-не одамларнинг ҳаққи-ҳурмати, минг илтижо билан термулиб нон дея, оналар бағрига олов солган гўдаклар ҳаққи-ҳурмати нонни эъзозлайлик. Унинг табарруклиги, азизлигини бир он ҳам унутмайлик.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлиб қолдик. Ресторанда ўтирган тўрт нафар йигитлардан бири овқатланиб бўлгач, нонга лабини артиб, чиқинди қоғозлар орасига қўшиб қўйди. Бошқаси эса худди шу қилиқни қайтариб, бурдани тарелка ичига ташлади. Уларнинг кўзида бу азиз неъматга нисбатан заррача қадр йўқ эди. Нафратим кўзгаб кетди. Нонни увол қилганликлари тўғрисида сўз очдим. «Сизга қанча нон керак?», «Ақл тишимиз чиққанига анча бўлган», — дея ўдағайлаб кетишди.

Бундай нонкўрларни ким тарбиялади? Булар қайси муҳитда вояга етди экан? деб андишасизлардан ранжидим. Афсуски, орамизда бунақанги нонтепкилар учраб турибди. Менимча улар нон қадрини билмас экан, меҳнат, тирикчилик ва рўзғор қадрини ҳам билмайди.

Нон ҳақида, унинг қадр-қиммати ҳақида ҳар қанча ёзсак, гапирсак озлик қилади. Нонсиз тўю-маъракаларни, маросимларимизни, умуман ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Бизда тўй қиладиган киши бир неча ой олдин новвойга буюртма бериб қўяди. Нонининг қадрига етиб, кўзига суртадиганлар жуда кўп.

Аммо, шоли курмаксиз бўлмаганидек, орамизда нанки айрим ёшлар, балки айрим катта кишилар ҳам борки, улар нонининг арзонлиги учун қадр-қимматига етмай қўйишган. Ана шундай кишилар тўю-маъракаларда юзлаб килограмм нон маҳсулотларини исроф қилиб юборишяпти. 3—4 хил нон ёптириб, сал совуб қолганларини дастурхондан олиб, ўрнига иссиқ нонлар қўйишдек исрофгарчиликка йўл қўйишмоқда. Тўғри, тўй-маъракаларда энди-гина тандирдан узилган иссиқ нонни танаввул қилиш яхши нарса, лекин бундан икки соатгина олдин чиққан юмшоқ нонларни «бракка чиқариш» гирт ношудликку?! Ана шу нонларнинг ем ўрнида молларга берилаётганлиги-чи? Ахир бу нонни хор қилиш эмасми. Дўконларда нон бироз тортиб, ун камайиб қолса борми, дарров «нон камайди» деб жар солемиз.

Дастурхонга бир хил нон қўйилиши, уни синдиргандан увол бўлмаслиги учун кетмакет ушатмаслик керак. Баъзи хотамтойлар «одамдан азиз бўлибдими» деб дастурхонни нонга тўлдириб ташлашади. Шунингдек, ошхоналарда, кафе ва ресторанларда ҳар куни тонналаб нон исроф бўлаётганлиги сир эмас.

Мен ўзим раҳбарлик қилаётган ресторан мисолида айрим мулоҳазаларни айтмоқчиман. Ҳозиргача биз нонга қанча буюртма бўлса шунча қабул қилар эдик. Ходимларимиз хўрандалардан сўрамасдан, уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олмаган ҳолда иш кўришарди. Энди эса бунга чек қўйдик. Масалага жиддий эътибор бериб, олти кишидан иборат комиссия туздик. Унинг составига ветеранлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳам киришди. Улар коллектив орасида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Кассалар тепасида «Нонни қадрланг», «Нон — ризқ-рўзимиз», «Нонни меъёрида буюринг» деган сўзлар ёйрик ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Маълумки кафе ва ресторанларда тўйлар, юбилей кечалари ва турли оилавий маросимларни ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бизнинг ресторанда ҳам ана шундай маросим кечалари турли зиёфатлар ўтказиб турилади. Илгари ҳар бир кишига икки хил нон буюрилар эди. Биз энди меню тузаётган пайтимизда бундай исрофгарчиликларга чек қўйиб, фақат эҳтиёжларга яраша нон тайёрлаб берямиз. Бундан ташқари, нонни сақлашга катта эътибор бериляпти. Махсус жовонлар, устига ёпиқ лотоклар тайёрладик. Шунингдек, кунлик нормамиз қатъий ҳисобга олинади. 400 граммлик нонларни 200 граммлик қилиб тайёрлашга ўтдик. Уларнинг сифатига жиддий эътибор бераямиз.

Бу тадбирларнинг барчаси нонининг исроф бўлишига чек қўймоқда. Биз бироз савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларига ва хўрандаларимизга мурожаат қилиб, нонни эҳтиёжга яраша буюринг, увоғини ҳам увол қилманг, демоқчимиз.

Ш. СОЛИҲОВ,
«Гулистон» ресторанининг директори.

МУЛОҲАЗА, ТАЖРИБА, ТАКЛИФ

КЎЗИМГА СУРТАМАН

Қиш кунларининг бири эди. Мактаб коридоридан ўтиб бораётиб, печка ёнида исиниб турган қизларга кўзим тушди. Улар ўзаро суҳбатлашиб, қувноқ қулишарди. Ўқувчилар ёнига яқинлашдим. Яқинлашдимку, кўзим печь ёнида турган челак ичидаги 4 бўлак нонга тушди. Ахир бу қоп-қора челак ўтин, кўмир солинади-ку.

Дарҳол нон бўлакларини олиб қоғозга ўрадим. Қизлар эса менга ҳайрон бўлиб қарашди. Уларнинг хаёлига қандай фикр келганини билолмадим. Аммо шу топ менинг ёдимга урушнинг оғир дамлари тушди...

1943 йилнинг куз ойи эди. Ўша машъум кунларда ҳам отамдан, ҳам онамдан жудо бўлдим. Бир бурда нон топиб ейиш нақадар оғир. Заводга ишга кирдим. Иш ниҳоятда оғир бўлишига қарамай, бор кучимни сарфлаб катталар қатори ишлай бошладим.

Мени ётоқхона билан таъминлашди, нонга карточка беришди. Ҳар куни 700 граммдан нон оладиган бўлдим.

Бир куни тасодифан нон карточкамни йўқотиб қўйдим. Кидирмаган ерим қолмади. Очлик даҳшатидан ваҳимага туша бошладим.

Силлам қуриб, ишга қўлим бормай қолган пайтда ҳамхона дугоналарим жонимга оро киришди. Улар ҳам барча катори тўйиб нон емаётган бўлсалар-да, ҳар бирлари ўз тегишларидан 30—40 граммини менга беришди. Мен бўлсам улар берган бурда нонларни кўриб, қувончдан йиглаб юбордим, нонларни олиб кўзимга суртдим.

Нонининг нақадар азиз эканлигини ўшанда яна ҳам чуқурроқ ҳис этдим...

Ўша куни мактаб ўқувчилари билан мажлис ўтказиб, нон ҳақида суҳбатлашдик. Ҳозир ҳам ўқувчиларни нонининг қадрига етишга, увол қилмасликка ундайман.

Тожихон АҲМЕДОВА,
Оржоникидзе районидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ДАСТУРХОН КЎРКИ

Менинг ёшим 72 да. Шу йиллар давомида ҳар хил шароитларда яшадим. Бир бурда нон учун бировлар эшигида тонг саҳардан тун қоронғусигача меҳнат қилган гўдакларни кўрдим.

Айниқса, 1933 йил жуда оғир келган эди. Нонининг увоғини топиб олсак кўзимизга суртардик. Ўша йили очликка бардош беролмай нобуд бўлган 4 ёшли фарзандимни эсласам ҳозир ҳам қалбим зирқирайди.

Бугунги фаровон ҳаётимизда ўтмишни бир эртакдай эслаймиз. Эндиликда ҳаммаёқ тўкин-сочин. Дўконларга кирсангиз турли-туман нонларни кўриб, кўзингиз қувнайди.

Лекин шундай дамларда хўрсандчилигимизни баъзан дилсиёҳлик эгаллайди. Тўқликка шўхлик, исрофгарчиликни кўриб ёқа ушлаймиз. Одамлар нонни ўз эҳтиёжларига яраша олишмайди. Нонининг суви бироз қочиши билан ташлаб юборишади. Шу ўринда нонининг сифати ҳақида ҳам бироз гапириш керак. Булкаларга солинадиган тухум, сариқ ёғ, шакар каби масаллиқлар кўпинча уриб қолинади. Нонларнинг тузи паст, хамири ошмаган бўлади. Печдан чиқаётган нонлар шакли бузилияпти. Бу нуқсонлар новвойларни ташвишлантирмайди. Ахир уларни одам ейдику. Шундай экан нон сифати доимо юқори даражада бўлиши керак.

Биз сифатли нонлар кутамиз. Уларни чиройли шаклда, турли хил вазнда чиқариш керак. Шунда одамлар ўз эҳтиёжларига ярашасини танлаб оладилар. Бундан харидор ҳам, корхона ҳам манфаат кўради.

Маҳмуд УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, халқ рассоми.

Район газеталари саҳифаларида

ЭЛ ЭЪТИБОРИДА

З. Исомов Улуғ Ватан уруши ветерани, Ленинград мудофаачиси. Одамлар бир бурда нон учун эрталабдан қаро кечгача магазин эшиклари олдида навбат кутиб турганини у уруш йилларни кўп марта кўрган. Шу боисдан ҳам нон қадрига ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ етади, ёшларни нонни увол қилмасликка, эъзозлашга даъват этади.

Пискент район «МЕҲНАТ БАЙРОҒИ» газетаси яқинда «Нонга эътибор — элга эътибор» умумий сарлавҳаси остида махсус саҳифа эълон қилди. Шу саҳифада собиқ жангчи З. Исомов «Бир парча нон қадри» сарлавҳали мақоласи билан қатнашди. Муаллифнинг мақоласи ҳаётий мисолларга бой. Ўз эсдаликларини ҳикоя қилиш билан бирга деҳқон меҳнатини қадрлашга, нонининг ҳар бир ушоғини ноннинг ҳар бир ушоғини ноннинг исроф бўлишига йўл қўймасликка чақиради.

Саҳифа ўқимишли мақолаларга бой. Район нон комбинати смена мастери А. Маҳмудов, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Ж. Тухфатуллина ўртоқларининг мазмунли мақолалари, нон ҳақидаги донолар фикри, нонни сифатли сақлаш юзасидан берилган фойдали маслаҳатларни газетхонлар қизиқиб ўқийдилар. Бундан ташқари ғалла экинлари экиш қайси даврдан бошлаб одат бўлгани ҳам газета саҳифасидаги материалларда маълум қилинган.

Газета нонни эъзозлашга бағишлаб махсус саҳифа эълон қилиб мақтовга лойиқ иш қилган. Бундан буён ҳам исрофгарчиликнинг олдини олишга ундовчи мақолаларга газета саҳифасидан тез-тез ўрин бериб боришса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

ЮЗ ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

ПИСКЕНТ районидаги Свердлов номли колхознинг Ғ. Жаппонов бошлиқ маккажўхоркичилик бригадаси аъзолари бу йил ҳар гектар майдондан 100 центнердан «каҳрабо дон» етиштиришга аҳд қилишган. Шу кунларда бригада далаларида маккажўхори ўрим-йиғимни қизғин олиб борилмоқда. Суратларда: [чапда] бригада етакчиси Ғ. Жаппонов, комбайнчи К. Ахтанов, механизаторлар Р. Деҳқонов ва Т. Жабборовлар маккажўхори сўтаси сифатини текширишмоқда; [ўнгда] маккажўхори ўрими пайти.

А. Икромов фотолари.

БОҒ ОРАЛАБ...

БУГУНГИ кунда Калинин районидаги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган Гагарин номли совхозда айни пишиқчилик. Салкам 600 гектар майдонни ишғол этган мевазорларда, қирликларда ястаниб ётган узумзорларда ҳам ҳосил чўғи чакки эмас.

— Совхозимизда,— дейди директор Шариф Хўжаев,— бундан бир неча йил илгари ҳосилдорлик ниҳоятда паст эди. Олма дарахтларининг турли хил навли ва турли ёшда эканлиги уларга ўз вақтида ишлов бериш, ҳосилини йиғиб-териб олишда катта қийинчиликлар келтириб чиқарарди.

Узумзорлар ҳам тартибсиз жойлашган бўлиб, анчагина ламинор ерлар «пўстдумба»га чиқиб кетган эди.

Бу нотекисликни тугатиш учун совхозимизнинг кекса ва тажрибали боғбонлари билан маслаҳатлашиб, янги, серҳосил навли кўчатлар экиш ҳисобига мевазорларимизни босқичма-босқич янгилаб боришга қарор қилдик. Сўнгги уч йил ичида 70 гектар боғ янгиланди.

Кўрилган тадбирлар дастлабки самарасини бермоқда. Биргина ўнинчи беш йиллик-нинг якунловчи йилида ҳар гектар узумзордан 100 центнердан, олмазордан эса 90 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Совхоз бўйича 3,5 миллион сўм даромад, 420 минг сўм соф фойда олинди.

Хўжалик соҳибкорлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида давлатга 2900 тонна олма, 2500 тонна сархил узум етказиб беришга аҳд қилганлар. Бугунги кунда пишиб етилган олма-ю, узумларни пешмапеш эл дастурхонига жўнатаётган боғбонларнинг қўлиқўлига тегмайди.

Бу ерда йиғим-терим ишлари ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Бригадалар ўртасидаги мусобақада тажрибали боғбон Жумабой Эшмуродов етакчилик қилаётган коллектив аъзолари пешқадамлик қилишаётир. Улар кунига 10—15 тонналга етказиб шириншакар меваларни қабул пунктларига жўнатмоқдалар.

Бригадир билан боғ айланамиз. У ҳосили мўллигидан шохини кўтаролмай, эгилиб қолган олмалардан бир донасини узиб олиб, иккига бўлади. «Уруғи ҳали қораймаган, айни қонсервабоп пайти,— дейди.— Ўтган ҳафта ички «Красний железняя» навли ўртаки олмаларни териб олишни тугалладик».

Бу ерда 31 гектар ҳосилга кирган узумзор бор. Токларни қўмиш, очиш ва шпалерларга кўтариш ўз вақтида сифатли ўтказилганлиги, касалликларга қарши профилактик тадбирлар амалга оширилганлиги туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Соҳибкорлар ҳар гектар узумзордан 100—110 центнердан узум топширишни мўлжаллашмоқда.

Совхозда ҳар қарич ердан самарали фойдаланиш тадбирлари кўрилаётир. Еш дарахтларнинг оралиқларига турли сабзавот экинлари, чорва учун озуқа лавлаги экиб қўйилган. Катта йўл бўйлаб юрар эканмиз, катта майдондаги шафтолизор эътиборимизни ўзига тортди.

— Бу боғни яқинда бунёд этдик,— дейди тажрибали боғбон Ғулом Мелибоев.— Бундан уч йил бурун экилган олма кўчатлари орасига тажриба учун шафтоли ҳам экдик. Олма етилгунга қадар шафтолидан ҳосил олинади. Шу йилнинг ўзидаёқ шаҳарликлар дастурхонига 60 тоннадан ортиқ шафтоли узиб жўнатилди.

Дарҳақиқат, совхознинг Исмоил Абдураҳмонов, Неъматилла Раҳматуллаев, Умар Алиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам оралиқ экинларидан самарали фойдаланилмоқда.

...Янги узилиб яшикларга жойланган мевалар ортилган прицепли машиналар биринкетин ўтиб турибди. Бу машиналарнинг бири вино заводига, бири консерва заводига, яна бири қабул пунктлари томон йўл олмоқда. Бундан ташқари тонна-тонна мевалар вагонларга жойланиб, Иттифоқимизнинг турли ўлкаларига юборилмоқда.

Боғбонларнинг катта меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай, ўз вақтида териб олишда шаҳарлик биродарларимиз уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Тошкент молия техникуми студентлари тўрт йилдан буён совхоз ишчилари билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар.

Ўқитувчилардан Абдуқаҳҳор Мавлонов, Алефтина Рижкова, Бахтиёр Сиддиқов, Ўткир Ҳошимовлар ҳашарчи-бригадаларга етакчилик қилмоқдалар. Студентлардан Н. Мараҳимов, С. Шералиев, Л. Усеинова, А. Тошпўлатов, Н. Хабирова, Х. Аҳмедова, И. Эрназаров сингари ўртоқлар ҳар куни 350—100 килограммдан ошириб олма, узум териб мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

Совхозда ҳашарчилар тўғрисида алоҳида гамхўрлик қилинмоқда. Соя-салқин жойда ошхона, дам олиш бўлинмалари, ётоқхона жиҳозлаб қўйилган. Чўмилиш бассейни ҳам ишлаб турибди. Студент-ёшлар ҳам ўзларига яратиб берилган шароитга яраша куч-ғайратларини аямай меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг шу кунгача бўлардан териб берган мевалари 700 тоннадан ошиб кетди.

Қўйни-қўнжи ҳосилга лиқ тўла боғ-роғларда иш қизғин. Соҳибкорларнинг фикри-зикри роса-реза пешона тери эвазига етиштирилган неъмат-неъматларнинг бир граммини ҳам нес-нобуд қилмай, эл-юрт дастурхонига етказиб бериш ишқи билан банд.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

17—23 АВГУСТ

ДУШАНБА

17 АВГУСТ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Сиз яратган боғ. 18.55 — Қувноқ нотачалар. 19.10 — Футбол шарҳи. 19.40 — Ёш мутахассис ишлаб чиқаришда. 20.10 — Агар сен кетсанг. Бадиий фильм. 21.30—Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (М) — «Зенит» (Ленинград).

Ўз ТВ-I

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мушук ва кит. Мультфильм. 18.30 —Мактаб ўқувчилари учун «Камалак». 19.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». МДУ студентлари ва ўқитувчилари билан учрашув. 18.25 — Сиз яратган боғ. 18.55 — Қувноқ нотачалар. 19.10 — Футбол шарҳи. 19.40 — Ёш мутахассис ишлаб чиқаришда. 20.10 — Агар сен кетсанг. Бадиий фильм. 21.30—Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (М) — «Зенит» (Ленинград).

Ўз ТВ-I

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мушук ва кит. Мультфильм. 18.30 —Мактаб ўқувчилари учун «Камалак». 19.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.10 — Дилижан. Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстлар маслаҳати олтиндан қиммат. 22.30 — Бугун оламда нима гап? 22.45 — Орзу. Бадиий фильм. 00.25—Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Сўнгги учрашув. Телефильм. 18.40 — Уталмаган бурч. Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Меҳнат ва спорт. 20.50 —Ҳужжатли фильмлар.

СЕШАНБА

18 АВГУСТ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 —Агар сен кетсанг. Бадиий фильм. 11.25 — Фильм-концерт. 12.05 — Киносаёқатчилар клуби. 13.05 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 — Болалар учун фильм. 17.30 — «Чарм тўп» клубининг соврини учун. 18.15 — Меҳнат шон-шуҳрати байрокдорлари. 18.30 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.40 — Фан оламида. Телетомошабинларнинг хатлари асосида. 20.20 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Концерт.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Кўғирчоқ фильм. 11.45 — Фильм-концерт. 12.10 — Янги ўқув йилига. Мактаб формаси қандай бўлиши керак. 12.40—«Юмор» телевизион театри. 3. Зулфиқоров. «Қалитлар». 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Ғаройиб манеж. Мультфильм. 18.30 — Усмир ва қонун. 19.00 — Касаба союзлар — оммавий ташкилотлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.10 — Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи кўргазма залидан кўрсатув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Москва Давлат муз устида балети. 00.25 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Қизиқувчилар экрани. 18.40 — Телефильм. 19.30 — Болалар учун фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўша кунларда. Бадиий фильм. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV программаси.

ЧОРШАНБА

19 АВГУСТ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.25 — «Спартак» балетидан парчалар. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Апрель революцияси ҳақикати. Ҳужжатли фильм. 16.10 — «Уфқ», «Отам, онам ва мен— спортчилар оиласи». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.40—Горнчилар, қаердасиз! 18.10 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 Расмларда қўёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Лирик қўшиқлардан концерт. 20.00 — Экономика тежамли бўлиши керак. 20.30 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм.— 3-серия. 21.30— Время. 22.05 — Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. ЧССР—Европа терма командалари. 23.50 — Москва камер хорининг концерти.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Мультфильм. 11.45 — Фильм-концерт. 12.15 — Мактаб ўқувчилари учун. Ёзги меҳнат семестри. 12.45 — «Колумб» шхунасининг юнгаси. Бадиий фильм. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ўқувчилар бригадасида. 19.00 — Мусобақа —оммавий ижоди. 19,30 — Ахборот. 19.45 Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концертнинг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Тошкент технологияси — барчага. 22.25 — Бугун оламда нима гап? 22.40 — «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 1-серия. 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Фильм-портрет. 19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — Транспорт ва пиёда. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Шаҳс болаликдан бошланади. Телефильм. 20.50 — Чинор. Ўрта Осиёда маиший хизмат кўрилиши тарихидан. 21.20 — Телефильм. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV программаси.

ПАЙШАНБА

20 АВГУСТ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.10 — Э. Гриннинг симфоник асарлари. 12.05 — Офтоб. Телевизион ҳужжатли фильм. 12.20 — Моҳир қўллар. 12.50 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Жасорат саҳифалари. Телевизион ҳужжатли фильм. 16.15 — Диққат, тошбақа. Бадиий фильм. 17.35 — Шахмат мактаби. 18.00 — Сизга манзур шеърлар. 18.30 — Ўзбек композиторларининг асарларидан концерт. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Алкоголизм. Врач суҳбати. 20.00 — СССР халқ артисти М. Бибиев қуйлайди. 20.15 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Нотаниш аёл. Телефильм.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун фильм-балет. 12.05 — Санъат гунчалари. 12.35 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.05 — Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 1-серия. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик студияси кўрсатади. Касбим—фахрим. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси. 22.25 — Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 2-серия. 00.05 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Телефильм. 18.40 — Реклама. 19.00 —Ҳужжатли кино экрани. 20.20 — Яхши кайфият хизмати. 20.50— Ер ва одамлар. Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV программаси.

ЖУМА

21 АВГУСТ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 11.20 — Мультфильм. 11.30 — Биз билан бирга, ҳудди биздек ва биздан ҳам яхшироқ бажар. 12.30 — П. Чайковский номли Халқаро конкурс лауреати М. Мартин чалади. 13.15 ва 15.00 —. Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Буратино кўргазмаси. 16.40 — Сергей Орлов поэзияси. 17.15 — Подмосковье учрашувлари. 17.45—Коми АССРнинг ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган кўрсатув. 18.15 — Концерт. 18.45 — Ёзги меҳнат семестри саҳифалари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Шаҳар ва ёз. Киноэтюд. 19.40 — Европада ҳарбий тенглик ҳақида. 20.05 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 — Время. 22.05 — «Сартарош», РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Гундарева ўқийди. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Концерт.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.45 — Мактаб ўқувчилари учун. Светофор. 12.45 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.15 — Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 2-серия. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ешлик студияси кўрсатади. Сенинг замондошинг. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга сафар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 3-серия. 23.50 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Телефильм. 18.25 — Классик куй саҳифалари. 19.00 — Шифокор экрани. 19.30 — Болалар учун фильмлар. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 —Зор-интизор. Бадиий фильм. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV программаси.

ШАНБА

22 АВГУСТ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.00 —Ота-оналар сизлар учун. 10.30 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 11.55 — Инсон овози. Телевизион музикали фильм. 12.55 — Советлар ва ҳаёт. 13.25 — Спортлотонинг 34-тиражи. 13.35 — Камалак. 14.00— Голиблар. Фронтдош дўстлар клуби. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Архитектура—81. Москванинг архитектура ансамбллари. 16.15 — Ҳайвонот оламида. 17.15 — Мультфильм. 17.35 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.05 — Румин халқининг миллий байрамига бағишланган Руминия Социалистик Республикаси телевидениесининг программаси. 19.20 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.05 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Волейбол бўйича халқаро турнир. Эркаклар. СССР—Чехословакия. 22.45— Фильм-концерт. 23.45 — Янгиликлар.

Ўз ТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10:10 — Концерт. 10.50—Мультипанорама. 11.25 — Шахмат мактаби. 11.55 —Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 3-серия. 13.10 — Ота-оналар университети. 13.40 — Кишиларга сув ҳадя этиб. 14.10 — Телевизион театр. П. Мериме. «Осмон ва дўзах». 15.05 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.15 —Кўрсатувлар программаси. 18.20—Ўйлаб топ. 18.50 — Инсон ва қонун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк, цирк, цирк. 20.30 — Ахборот. 20.45 — Кўшиқ айтган етар муродга. 21.30 —Время. 22.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 22.25 — Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 4-серия. 23.35 — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЯКШАНБА

23 АВГУСТ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.45 — Концерт. 10.10 — Будильник. 10.40 — Совет Иттифоқига хизмат киламан. 11.40 — Здоровье. 12.25—«Тонгги почта» музикали программаси. 12.55—Совет Иттифоқи — ягона халқлар ниғоҳи билан. 13.10 — Кишлоқ янгиликлари. 14.10 — Музикали киоск. 14.40 — Кулгили бахтим менинг. Фильм-спектакль. 1-қисм. 17.20 — Ҳужжатли фильм. 17.50 —Концерт. 18.40 — Халқаро панорама. 19.25 — Сен нимани танлардинг? Телевизион бадиий фильм. 20.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05 —Волейбол бўйича халқаро турнир. Эркаклар. СССР—Италия. 22.45 — Чет эл эстрадасининг концерти. 23.40 — Янгиликлар.

Ўзтв-I

9.55 —Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Болалар учун фильм. 12.15 — Онамларнинг мактаби. 12.45 — Наманган театри — 50 ёшда. 14.05 — Янгра пионер ёзи. 14.35 — Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 4-серия. 15.45 — Реклама. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.50 — Езувчилар болаларга. Марк Твен. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Футбол чорраҳаларида. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 —Время. 22.05 — Жумбоқнинг ечилиши. Бадиий фильм. 23.35— Кўрсатувлар программаси.

КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Маданият хроникаси

ШИЙПОН МУДИРЛАРИ СЕМИНАРИ

● ПАРКЕНТ. «Ленинобод» совхозининг марказий дала шийпонида шийпон мудирларининг зона семинари бўлиб ўтди. Семинарда район хўжаликларидаги бошланғич цех партия ташкилотларининг секретарлари, илғор бригада бошлиқлари, колхоз-совхоз раҳбарларининг маданий-оқартув ишлари бўйича ўринбосарлари, район маданият бўлимининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Улар дала шийпонлари ишларини ташкил этиш практикаси ва меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар.

Район партия комитетининг биринчи секретари Х. Аҳмедов, «Ленинобод» совхози партия ташкилотининг секретари Ғ. Йўлдошев, Энгельс номли совхоз 2-бригадаси дала шийпони мудири Р. Шукуров, район марказий касалхонаси бош врачининг ўринбосари Т. Туропов ўртоқларнинг чиқишлари айниқса, қизиқарли бўлди.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Республика «Китобсеварлар» жамияти ташаббуси билан Тошкент районидаги Ленин номли колхозда сабзавоткорларнинг шоир Шукрулло билан учрашуви бўлиб ўтди.

Таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Иброҳим Ғафуров шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг СССР Давлат мукофотига тавсия этилган «Ўчавер, бургут» шеърий тўпламининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб берди. Таниқли ёзувчилар — Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Одил Ёқубов ва Шуҳрат шоир билан кўп йиллик ижодий ҳамкорликлари ва дўстликлари ҳақида мароқ билан сўзладилар.

Тантана сўнгида шоир ўзининг янги шеърларидан намуналар ўқиб берди.

МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

● ЯНГИБОЗОР. Коммунистик район маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг аъзолари мўл ҳосил учун кураш қизғин тус олган айни долзарб дамларда ўз ўрнларини далада деб биладилар. Улар ўзларининг куй ва қўшиқлари билан қишлоқ меҳнаткашлари дилларини хушнуд этишмоқда.

Свердлов колхозининг 2-бўлимида, «Правда» колхозининг 26-бригадаси ва «Ўзбекистон» колхозининг марказий сут-товар фермасида намойиш қилинган концерт программалари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Санъат ихлосмандлари Суннат Исмоилов, Тоҳир Пирматов, Акбар Рўзиматов, Малика Жўраева сингари лирик хонанда ва раққосаларнинг чиқишларини зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

А. ҲАИДАРОВ.

Реклама ва эълонлар

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» орденли «УЗБЕКШАХТОСТРОЙ» умумий қурилиш трести Ангрен, Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳарларидаги объектлар қурилишида ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ИШЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Арматурачи, гишт терувчи, темир-бетон ва металл конструкцияларни йиғувчи монтажчи.

Елғиз кишиларга ётоқхона, оилаликларга бир йил ичида квартира берилади.

Трест боғча-ясли, санаторий-профилактарий, «Строитель» клуби, 2 кунлик дам олиш уйи, пионер лагери, спорт комплекси ва ёрдамчи хўжаликка эга. Қурилиш майдонларида комплексли овқатлар ташкил этилади.

Меҳнат ҳақи ишбай-мукофотли.

Ишга чақириқ қоғози келгандан сўнг борилади.

Мурожаат учун адрес: 702500, Ангрен шаҳри, Богдановича кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлими. Телефон 32-39.

БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ 99-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1981—82 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аёлларнинг енгил кўйлакларини тикувчилар, аёлларнинг устки кийимларини тикувчилар, эркакларнинг устки кийимларини тикувчилар, фотографлар, сартарошлар, якка буюртмалар бўйича пойабзал тикувчилар.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тугатганлар ўрта маълумот тўғрисида ҳамда ихтисос бўйича 3—4 разряд малакаси берилганлиги тўғрисида диплом оладилар.

Аёлларнинг енгил кўйлакларини тикувчилар учун ўқиш муддати — 1 йил, бичишни биладиган тикувчилар тайёрлайдиган группада эса ўқиш муддати 2,5 йил.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ҳамма ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар, бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзиладиган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, шаҳар, район маиший хизмат кўрсатиш комбинатларидан йўлланма.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Бекобод шаҳри, (5-автобуснинг «Шаҳар касалхонаси» бекати). Телефонлар: 49-09, 49-88.

Тиббиёт хазинасидан

УЙҚУ АЖИБ ИНЪОМДУР

Нормал уйқу нерв системасининг ҳимоячисидир.
И. П. ПАВЛОВ.

* * *

Уйқу руҳан ва жисмонан, умуман, одамнинг барча кучларини тиклайдиган табиатнинг ажаб инъомидир.
А. П. ЧЕХОВ.

* * *

Чуқур уйқу — ҳузур-ҳаловатларнинг энг асилидир.
П. И. ЧАЙКОВСКИЙ.

* * *

Уйқу — табиат базминнинг ажойиб таомидир.
В. ШЕКСПИР.

* * *

Уйқусизлик — туннинг инсонга ҳужумидир.
В. ГЮГО.

* * *

Уйқусизлик бош мияни чарчатади, асабни бузади, кишини тез қаритади.
М. К. ПЕТРОВА.

* * *

Уйқусиз тунлар умрни қисқартиради.
Ф. БЕКОН.

* * *

Уйқучанлик ақлни заифлаштиради.
О. БАЛЬЗАК.

* * *

Тунги уйқуни кундузгига алмаштириш ҳикматдан эмас.
КАЙКОВУС.

* * *

Дам олиш учун уйқу шартдир.
КИЧКИНА СЕНЕКА.

Беташвиш кишининг уйқуси ширин бўлади.
ОЛТОЙ МАҚОЛИ.

* * *

Тентак кулги билан, ялқов уйқу билан ошно.
Оч қолган, совуқ еган ва қўрққан кишида уйқу бўлмайди.
АРАБ МАҚОЛЛАРИ.

* * *

Овқат—бадан таомн, уйқу —тетиклик таоми.
ЧЕЧЕН МАҚОЛИ.

* * *

Вужудни пок кишн тинч ухлашн мумкин,
Ухлаган кишн қорин очлигини сезмайди.
МОЛДАВАН МАҚОЛЛАРИ.

* * *

Уйқу ўрин танламайди.
ҚОЗОҚ МАҚОЛИ.

* * *

Ухламаётган кишн тунининг азобини, узоқлигини билади.
ВЬЕТНАМ МАҚОЛИ.

* * *

Кўп ўхлаш қисқа умр демакдир, ухлаб ўтказган вақт ўтган умрдир.
ЯПОН МАҚОЛИ.

* * *

Оч ухласанг, тетик уйғонасан.
АССИРИЯ МАҚОЛИ.

Тўпловчи З. ЭГАМБЕРДИЕВ.





Майти ЮСУПОВ

СИЗ ТУШУНМАЙСИЗ...

РАНГИ ўчган шими қилтириқдай товуқ оёғига ёпишган, сочи елкасига тушган бўз йигит шаҳарлараро телефон будкасига кириб, трубкани кўтарди.

— Алло, алло, папичка! Соғлигингиз? Мамам яхши юрибдиларми?

— Раҳмат, бўталоғим. Ўзинг соғ-саломатмисан? Ўқишларинг қандай?

— Папа, ҳаммаси нормально! Бақт йўқ. Уч минутга заказ бергаманам... Пўстунни қачон юборасиз?

— Болам, янгисини тополмаяпмиз!

— Овулда туриб пўстун йўқ, тополмаяпмиз дейишга уялмайсизларми? Одамлар боласига импортний дубленка юборишяпти... Янгиси топилгунча Есболнинг пўстунини юбориб турингларда.

— Есбол аёзда молни қандай боқади?

— Совхоз олиб берсин!

— Овулда юрганингда «пўстун қитиқлайди, ичи тўла микроб» деб киймас эдинг-ку?

— Папа, бўлди, вақтимни олманг. Сиз барибир тушунмайсиз, билсангиз у вақтда пўстун модада йўқ эди. Тушундингизми?

— Сен тушунасан, биз тушунмаймиз, болам?

ҲАЖВИЯ

— Ўзингизнинг тулки терисидан тикилган телпагингиз ҳам қолмасин, хўпми?

— Жунига куя тушган, эски телпакни нима қиласан?

— Эҳ, папа тушунмайсиз? Ҳозир натурални нарсаларнинг ҳаммаси модага кирган.

— Мен нима киямаи?

— Сизга мода нима керак! Менинг эски телпагим ҳам бўлади.

— Хўп, бўлади, болам! Папа, мамамга духоба юборинг дегандим...

— Ўша духоба қирғуринг дўконда йўқ. Келиб қолса, юборамиз.

— Биламан, мен айтган нарса ҳеч топилмайди ўзи.

— Болам, ахир йўқ нарсани қаердан топамиз? Ҳозирча ойингнинг туя жунидан ишланган чурук духоба кўрпасини юбориб турамиз, хўпми?

— Майли духоба топилмаса, астарини сўкиб, аврасини юборақолинглар!

— Жун керак эмасми?

— Ҳозирча туя жуни мода эмас! Олиб қўйинглар, кейин керак бўлади.

— Яна нима юборайлик?

— Пака, шуларни юбориб турингларда. Гўштни бўлак яшикка солинглар. Пул авалгидек келиб турсин, всё...

— Алло!

— ...

Қозоқчадан Қ. ТЎЛАБОЕВ таржимаси.

Пойтахтимизда Амур драма театрининг гастроллари муваффақиятли ўтмоқда. Суратда: театр репертуаридаги спектакллардан кўринишлар.

В. Молгачев фотоси.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ВЕЛОСПОРТ. Тошкентлик велоспортчи Шоҳид Загриддинов яна бир турнирда муваффақият қозонди. У Словакия кўчалари бўйлаб ўтказилаётган кўп кунлик пойганинг иккинчи босқичида маррага иккинчи бўлиб етиб келди. Бу мусобақалар шу ой ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдидан спортчиларимиз учун жиддий кўрик вазифасини бажараётир. Мусобақа якунларига кўра СССР терма командаси тузилади.

● СУЗИШ. Москвадаги В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг бассейнида сузиш бўйича СССР чемпионати очилди. Мусобақаларга 36 команданинг 435 спортчиси йиғилдилар. Бу кураш-лар сентябрь ойида Югославияда ўтказиладиган Европа биринчилиги олдидан катта таёргарликдир.

Мусобақаларнинг биринчи кунида тошкентлик халқаро классдаги СССР спорт мастери Сергей Заболотнов 200 метрга чалқанча усулда сузишда 2 минут 04,31 секунд натижа кўрсатиб, чемпионатнинг бронза медалини олди.

Аёллар ўртасида мусобақаларнинг шу турида яна бир тошкентлик спортчи Оксана Висотская маррага бешинчи бўлиб етиб келди. Мусобақалар яна тўрт кун давом этади.

● ФУТБОЛ. Олий лига вакиллари СССР чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. «Пахтакор» ўз майдонида Тбилисининг «Динамо» коллективини қабул қилди. Ўйиннинг 8-минутида меҳмонлар ҳужумчиси Рамаз Шенгелия киритган ягона тўп учрашув тақдирини ҳал қилди. Пахтакорчилар уюштирган кетма-кет ҳужумлар натижа бермади.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд қилинди. «Спартак»—«Динамо» (Мн)— 1:0, «Қайрат» — «Арарат» — 2:1, «Шахтёр» — «Торпедо» 1:1, «Днепр» — ЦСКА — 2:1, СКА — «Таврия» — 3:0, «Нефтчи» — «Кубань» — 2.1.

Газетхон мактуби

МИННАТДОРМАН

Ҳурматли редакция! Инсон учун энг олий бахт бу чиндан ҳам саломатлик экан. Кўп йиллардан бери мия оғриғи мени қийнаб келарди. Бир неча бор шифохоналарда ётиб чиқдим. Аммо дард чекинмади. Бу ҳасталикдан ҳаётим нурсиз бўлиб кўринарди. Бир куни қаттиқ оғриқ туфайли мени республика травматология ва ортопедия институтининг оғир жароҳатлар ва мия жароҳатлари бўлимига олиб келишди. Бу ерда ўз ҳалоскоримни топдим. Шу бўлимнинг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати Абдулхай Мирсодиқовнинг бўйин умуртқам орқали қилган муолажаси туфайли касалликдан мутлақо қутулдим.

Шифокор меҳри ва маҳоратидан биргина мен эмас, Қозоғистоннинг Сариоғоч районида истиқомат қилувчи Ўрозали Ўринбоев, хоразмлик Ҳайитбой Қаландаровлар онласи ҳам бехад хурсанд. Чунки доктор ҳар икки ёшнинг мия қопқоғини очиб, мураккаб операциялар ўтказди. Улар шифохонадан қайтишаётганида кўли енгил назоткор билан йиғлаб хайрлашаётганликларининг гувоҳи бўлдим. Бу севинч ёшларни врачга бўлган юксак ҳурмат белгиси эди.

Яқинда мен ҳам оиламиз бағрига қайтдим. Тезда хизматга ҳам тушиб кетдим. Руҳим тетик, ҳеч қандай хасталикни сезмаяпман. Ўз бурчини сидқидилдан бажариб, неча юзлаб беморларга шифо бахш этган меҳрибон докторга ташаккуримни етказишингизни илтимос қиламан. Унинг ишларига ривож тилайман.

О. ЮНУСОВ,
милиция хизматчиси.



Пленкангни жойлаб берай,
Касетангни очиб тур.
Аппаратни менга қолдир
Ўзинг нари қочиб тур.

Чиқиллатиб оламан-да,
Суратингни бир бошдан
Сенга дарҳол кўрсатаман
Тоблаб уни қуёшга.

КИЧКИНТОЙЛАР МАМНУН

Бошларига оқ дуррача ўраб олган жажжи Оксана билан Таня одоб билан ўтирган тенгдошларига шафтолилардан улаша бошладилар. Қизалоқлар группада бугун навбатчи, шу боисдан улар дўстларига намуна бўлишга интилишаяпти.

Қизчаларнинг чаққон ҳаракатларини кузатиб турган тарбиячи Жанна Ли ва боғча-ясли мудираси Александра Вербицкаялар мамнун.

— Жанна тарбиячилик қилаётган катта группадан бу йил 27 нафар ўтил-қизни мактабга кузатамиз, — дейди боғча мудираси. — Уларнинг ҳаммаси ёзишни, ҳисобни ўрганиб олишган. Энгельс номли колхознинг «Ёлочка» деб аталадиган бу боғчасида 135 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Галина Ким, Эмма Тен сингари тарбиячилар болаларнинг яйраб ўсишлари, камол топишлари учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Пазандалар Ольга Огай, Ляна Тен тайёрлаётган лазатли таомлар ҳам тарбияланувчиларга манзур бўлмоқда.

Мана, сўлим боғда музика янграмоқда. Бу ерда музика раҳбари Валерий Нам ўрта группа болалари билан машғулот ўтказмоқда. Кенжатойлар Ватан, она ҳақида куйлашмоқда.

Ҳ. ЗОКИРОВА.
Ғалаба район «Ленин йўли» газетаси ходимн.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, БОЛАЛАР!

15 АВГУСТДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА БУТУНИТТИФОҚ РЕЙДИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Область ва шаҳар давлат автомобиль инспекцияси ходимлари болаларни транспорт фалокатидан асраш, йўл ҳаракатидаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Янги ўқув йили бошланиши арафасида ўтказилаётган анъанавий «Диққат, болалар» Бутуниттифоқ рейди ҳам ана шундай муҳим тадбирларнинг биридир.

Рейд муддати бу йил олдинроққа сурилди. Одатдагидек 1 сентябрдан эмас, 15 августдан бошланди. Ўқув йили бошлангунга қадар болаларни мактаб маршрутига тайёрлаш, йўл ҳаракати қоидаларини олдиндан ўргатиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бир ойлик рейд давомида халқ маорифи бўлими, йўл эксплуатация участкалари, коммунал ва автомобиль хўжалиги ходимлари ҳамда ишчи-хизматчилари билан актив ҳамкорлик қиламиз. Мактаблар, болалар муассасалари атрофидаги пиёдалар учун мўлжалланган йўллар тартибга келтирилади. Серқатнов чорраҳаларда ёш автоинспекторлар ва комсомол оператив отряди аъзолари навбатчилик қиладилар. Шунингдек, умумтаълим мактабларида йўл ҳаракати ҳавфсизлигига бағишлаб турли тематик кечалар, викторина ва КВНлар ташкил этилади.

Тадбирларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ота-оналарнинг бу зарур ишни ўтказишда актив қатнашишларига боғлиқ. Мактаб педагогик коллективи, «Милициянинг ёш дўстлари» клублари ва «Ёш автоинспекторлар» отрядининг аъзолари зиммасига муҳим вазифалар юклатилади. Улар болалар мактабга келаётганларида ёки дарсдан қайтаётганларида назоратни кучайтиришлари лозим. Бунинг учун ҳар бир мактабда қатъий график асосида ўқитувчилар навбатчилигини ташкил этиш зарур.

Транспорт ҳаракати ва йўловчилар ҳавфсизлигини таъминлаш барчанинг бурчи. Кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб Давлат автомобиль инспекцияси ходимларига яқиндан кўмаклашса «Эҳтиёт бўлинг, болалар!» Бутуниттифоқ рейдини муваффақиятли ўтишига шубҳа йўқ.

ҲАРАКАТ ҲАВФСИЗЛИГИ УЧУН

А. АЗИМОВ,
Тошкент область Давлат автомобиль инспекциясининг ходими.

Ҳ. МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекциясининг ходими.

СУД ЗАЛИДАН

ҚОРОНҒУДА ТОПИШГАНЛАР

Ўрта Чирчиқ район ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимининг ходимлари аввало Хайриисо опа хонадонидан ўғирланган нарсаларни батафсил аниқлаб олдилар. «Электроника-322» магнитофони, турли материаллар, 8 минг сўмлик 3 процентли заёмдан тортиб, турли кийим-кечак ва пойабзал ўғирланган. Кўни-кўшнилар билан суҳбатлар, оператив қидирувлар тез кунда ўз самарасини берди. Жиноятчилар изларинн қанчалик яширишга уринмасинлар қўлга олинадилар.

Улар бир неча марта судланган Ҳасан ва Тоир Миралиев, Қобил Жўраевлар. Жазодан тўғри ҳулоса чиқармай бир-бирлари билан тез «тил топишиб», яна ўғриликка қўл урганлар. Ўзлари сингари «текинга сузги йўқ» Эргаш Ҳасанов ва Аҳмад Тўрақуловлар билан бирга жиноят қила бошладилар. Навбатдаги «иш»-лари юқорида айтилган ўғирлик бўлди. Наримонов шаҳридаги бу хонадондан жами 3087 сўм 50 тийинлик турли кийим-кечак ва буюмларни ўмардилар. Ўлжалар пойтахтнинг Киров районидаги Тоир Миралиев истиқомат қиладиган уйга келтирилди ва ўзаро тақсимланди...

Ака-ука Миралиевлар дастлабки куниёқ милиция ходимлари томонидан қўлга олиндилар. Орадан сал ўтмай Қобил Жўраев ва Аҳмад Тўрақуловлар ҳам ушланди. Ўғирланган буюмлар эгасига қайтарилди. Текинхўр ўғрилар эса жазоланди.

Б. АҲМЕДОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

15 АВГУСТ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — «АБВГДейка». 10.35 — Отаоналар, Сизлар учун. 11.05 — Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 11.35 — Сув ҳанги спорти бўйича СССР чемпионати. 12.15 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.45 — «Спортлото»нинг 33-тиражи. 12.55 — Телевизион ҳужжатли очилди. 13.50 — Бадиий фильм. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Камалак. Ҳиндистон рақслари ва куйлари. 15.45 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 16.45 — Снёсий шарҳловчи сухбати. 17.15 — Мультфильмлар программаси. 17.50 — Зиндон. 18.20 — Давр ва ўзим ҳақимда. 19.20 — Муз майдонида. Телевизион фильм. 19.50 — Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 22.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» (Одесса) — «Динамо» (Киев). 00.15 —Янгиликлар.

УзТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.55 — Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон ССР кубоги. 11.35 — ССР Иттифоқи Большой театри сахнасида «Ҳинд достони». 12.20 — Москва таътиллари. Фильм-спектакль. 1-серия. 13.20 — Инсон болаликдан бошланади. 13.50 — «Шахмат мактаби». 14.20 — Театр учрашувлари. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Мультфильм. 18.20— Юлдузча. 18.50 — Биз тенглаган ишдан холи дамлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Узбекистон ССР халқ артисти Х. Охунованинг ижодий портрети. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССР халқ артисти Х. Охунованинг ижодий портрети (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Терим машиналари мавсумга шай бўлсин. 22.20 — Эртага — премьера. 23.35 — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16 АВГУСТ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг! 10.05 — Болалар учун концерт. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 12.00 — Здоровье. 12.45 — Тонгги почта. 13.20 — Фан ва техника киножурнали. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Спорт программаси. 16.30 — Ҳужжатли фильмлар. 18.00 — Бугун — ССР Ҳаво флоти куни. 18.15 — Концерт. 19.00 — Халқаро панорама. 19.45 — Мультфильм. 20.00 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05— Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» (Донецк) —МАСК. 23.45 — Янгиликлар.

УзТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50— Светофор. 11.50 — Болалар учун ҳажвий киножурнал. 12.00 — Москва таътиллари. Фильм-спектакль. 13.00 — Телевизион театр. 13.55 — Ўзбекистон спорти. 14.25 — Реклама. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Санъат кунчалари. 18.30 — Бугун — ССР Ҳаво флоти куни. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Арарат» (Ереван). Танаффус пайтида «Ахборот». 20.45 — Ахборот. 21.05 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм. 23.15 — Телефильм. 23.30 — Кўрсатувлар программаси.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/VIII да Кузнинг биринчи куни, 16/VIII да Алмандар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА РЕМОНТ-ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси машиналар, ускуналар, товарлар ва оммавий ишлаб чиқариш бошқа буюмлари учун мўлжалланган фирма табличкаларини пўлат, рух тунука ва латундан чекланмаган миқдорда тайёрлаб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртма босмахона материалидан тайёрланади. Меҳнат ҳақи — прейскурант бўйича олинади.

Бошқа шаҳарлардан қабул қилинган катта партиядаги буюртмалар темир йўл орқали жўнатилади.

Справкалар олиш ва буюртмалар бериш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, ишлаб чиқариш бўлими. Телефон 33-53-68.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—Я, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325730. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325353; фотомухбир—325894.

Р. 06371. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64684. Б. 1697. 13.